Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2014-yil, 27-may. Seshanba ● 64 (31.811) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ



# Депутат — ҳузурингизга боради у билан, албатта, учрашинг

*фикр алмашинг, саволларингизга жавоб олинг*

САЙЛОВЧИЛАР КЎТАРГАН МАСАЛАЛАР ЖИДДИЙ ЭЪТИБОРГА ОЛИНАДИ ҲАМДА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛАДИ.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари жорий йил 26-31 май кунлари ўз сайлов округларида аҳоли билан учрашувлар ўтказади.**

Парламент қуйи палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари учрашувларга чиқишдан аввал сайлов округларидаги фаолият бўйича тегишли ҳаракат дастурини белгилаб олди.

Қонунчилик палатасининг Регламентида май ойининг охирги ҳафтасида депутатлар сайлов округларида фаолият олиб бориши белгиланган.

Ушбу жараённи самарали ўтказиш мақсадида ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларидан иборат ишчи гуруҳи фракция аъзоларининг сайлов округидаги фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳаракат дастурини ишлаб чиқди. Фракция мажлисида ушбу дастур муҳокама этилиб, сайлов округларидаги учрашувлар мобайнида эътибор қаратилиши лозим бўлган қатор масалалар бўйича қўшимча фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.

Учрашувларни сайловчилар, электорат вакиллари билан эркин мулоқот тарзида ўтказишга интилишимиз, расмий услуб ва маърузалардан қочишимиз зарур, дейишди депутатлар.

Дастурга мувофиқ, ҳар бир учрашув ва унинг натижалари кейинчалик умумлаштирилади. Сайловчилар кўтарган масалалар жиддий эътиборга олинади ҳамда уларни ҳал қилиш чоралари кўрилади.

► Давоми 2-бетда.

## Ўзбекистон — Латвия: ҳамкорликни жадаллаштириш йўлида



**2014 йил 27 май куни Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бошланади.**

Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро ҳурмат ва манфаатдорликка асосланади. Ҳозирги пайтда бундай муносабатлар изчил ривожланмоқда ва тобора кенгайиб бормоқда.

3

ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН

## Мурожаатлар билан ишлаш

*аҳолини ўйлантираётган масалалар ижобий ҳал этилишига хизмат қилмоқда*

**Бугунги кунда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 13 Жамоатчилик қабулхонаси фаолият олиб бормоқда. 2013 йилда уларга қарийб 500 мурожаат бўлган ва 91 фоиз ҳолатда кўтарилган масала ижобий ҳал этилган.**

Аммо даврнинг ўзи аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қатламини безовта қилаётган муаммоларни комплекс ҳал этиш чора-тадбирларини янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган амалий семинарда бу ҳақда батафсил сўз юритилди. **«Партия электоратини ўйлантираётган ижтимоий масалаларни ҳал қилишда Жамоатчилик қабулхоналарининг ўрни»** мавзуидаги тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар кенгаши масъул ходимлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари ва туман партия кенгашлари раислари ҳамда маҳалла фаоллари қатнашди.

► Давоми 2-бетда.

**Партиянинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, обрў-эътибор қозониши кўп жиҳатдан унинг электорат билан ишлаш механизмига боғлиқ. Шунинг учун сиёсий партиялар унга ишонган, қўллаб-қувватлаган кишилар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишни ўз вазифаси, деб билади. ЎзХДП ташкилотлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари ҳам айни шу мақсадда ташкил этилган. Бугунга келиб Жамоатчилик қабулхоналари электорат ишончини қозонишда самарали механизмга айланди.**

ЎзХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ!

## Аъзолар фаол бўлса,

*бош бўғин иши янада кучаяди*

— Бу ерда иш бошлаганимга кўп вақт бўлмади, — дейди **Шайхонтоҳур туманидаги 44-оилавий поликлиника ҳамшираси Гулноза Нурматова.** — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг поликлиникамиздаги бошланғич ташкилоти ташаббуси билан уюштирилган бир қатор тадбирларда иштирок этдим. Ўзим гувоҳ бўлаяпман, бошланғич ташкилот партия ғояларидан келиб чиқиб, ҳар доим одамларга нафи тегадиган ташаббусларни кўтариб чиқади. Партиянинг мақсад ва ғоялари менга маъқул бўлди ва ЎзХДПга аъзо бўлдим. Энди унинг Дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этишга ҳаракат қиламан.

► Давоми 2-бетда.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

***Яқинда Олтинсой туман ҳокимлиги, прокуратураси, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.***

## Меҳнат ярмаркасида

*100 нафарга яқин киши иш билан таъминланди*

Унда тумандаги 64 корхона ва ташкилотлар ўзларида мавжуд 252 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбир доирасида ташкил этилган кўргазмада ёшлар бўлғуси иш жойларида яратилган шароитлар билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Меҳнат ярмаркаси якунида эса 100 нафарга яқин киши иш билан таъминланди.

— Илгари ёшлар иш излаб овора бўлишарди, — дейди Олтинсой туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори, ЎзХДП аъзоси Баҳодир Тоғаев. — Бугун ёшларимиз жойларда ташкил этилаётган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаларида муқим иш ўринларига эга бўлишмоқда. Махсус дастурга асосан йил охиригача яна тўрт марта мана шундай меҳнат ярмаркаси ташкил этиш режалаштирилган. Бу билан 5 минг 200 нафардан ортиқ киши бандлиги таъминланади.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## www.labor.uz сайтида



**Ўзбекистонда бўш иш ўринлари ҳақидаги энг сўнгги маълумотлар мавжуд.**

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур сайтдан барча туман ҳамда шаҳарлардаги корхона-ташкилотлардаги мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида ахборот оласиз.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАЁТИДАН ХАБАРЛАР

**«Ёш сиёсатчи — 2014» кўрик-танловининг Навоий шаҳар босқичи ўтказилди.**

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг Навоий педагогика коллежи ўқувчиси Муҳаббат Пардаева биринчи, «Навоийдонмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти ходими Дилшод Қаюмов иккинчи, Навоий техника иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси Дилшод Соипов учинчи ўринга муносиб топилди. Ғолиб ҳамда совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

— Танловда қатнашишни анчадан буён ният қилиб юргандим, — дейди **Муҳаббат Пардаева.** — Ғолиб бўлиш осон кечмади. Иштирокчиларнинг ҳаммаси пухта тайёргарлик кўрган. Энди вилоят босқичида ҳам муносиб иштирок этишга ҳаракат қиламан.

**Хуршид ХУДОЙБЕРДИЕВ**

●●●

**Бухоро вилояти Ғиждувон тумани** Зафаробод қўрғонида жойлашган Навоий кон-металлургия комбинатининг 5-кон бошқармасидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари кунига бағишланган байрам тадбири ташкил этилди.

Тадбирда ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари Баҳриддин Муҳиддинов жамоа аъзоларини касб байрами билан табриклади. Сўзга чиққанлар 5-кон бошқармасининг Зафаробод қўрғонини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, юртимиз иқтисодиётини юксалтиришда ўз ўрни борлигини таъкидлашди.

Тадбирда ЎзХДП сафига янги қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

**Нафиса САГАТБАЕВА**

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

## Кучли фуқаролик жамияти

кучли сиёсий партиялар орқали шаклланади



www.uzbekistonovozi.uz

«БАРКАМОЛ АВЛОД — 2014»



**Анваржон НАСРИДДИНОВ,**
*«Нуроний» жамғармаси Наманган шаҳар бўлими раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси.*

***«Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг Наманган вилоятида ўтказилиши барчамизни қувонтирди. Ўз-ўзидан аёнки, бу каби кенг миқёсли спорт байрамини ташкиллаштириш биз, мезбонлардан жиддий масъулият талаб этади. Шу боис вилоятдаги ҳар бир корхона, жамоат ташкилоти бу ишларга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда.***

# Ёшлик, баркамоллик, тинчлик тантанаси

Хусусан, халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари ташаббуси билан мазкур спорт анжумани юқори даражада ўтишини таъминлаш мақсадида нуронийлар, партия фаоллари ҳамда ёшлар иштирокида кўплаб тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Шаҳримизнинг ёши улуғ инсонлари касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда бўлиб, спорт ва жисмоний тарбиянинг аҳамияти, қурилаётган замонавий спорт иншоотларидан фойдаланиш, уларни асраш, авайлаш, оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган учрашувлар ўтказмоқда.

Кейинги уч ойда шаҳримиз таниб бўлмас даражада ўзгариб, йирик спорт байрами оғушида яшаяпти. ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Наманган шаҳар бўлими аъзоларидан иборат тарғиботчилар гуруҳлари ҳудуддаги ободонлаштириш ишларида фаол қатнашмоқда.

Қувонарлиси, «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига тайёргарлик нафақат ёшларни, бутун наманганликларни руҳлантириб юборди. Спорт муассасалари атрофида бошланган ободончилик ишлари бутун шаҳар бўйлаб давом эттирилиб, чекка туманларни ҳам қамраб олди.

Гуллар шаҳри узра спорт, тинчлик, дўстлик, соғлик, яратувчилик ва бунёдкорликлар сари чорловчи ранг-баранг баннерлар ўрнатилган. Рангин фаввора-ю, ўзига хос табиий безаклар кўрган кўзни қувонтиради.

Бугун барча йўналишлар бўйича спорт мусобақалари ўтадиган майдон ва заллар, меҳмонлар учун ҳозирланган ётоқхоналар, хизмат кўрсатиш объектлари шай ҳолатга келтирилди.

Дунёнинг қайсидир жойида табиий офатлар, турли низолар содир бўлаётган бир пайтда юртимизда жисмоний қувват ва ақлу салоҳият, тинчлик ва биродарлик, соғлик ва эзгу ҳаракатлардан иборат спорт байрамлари, халқаро анжуманлар ўтказилаётгани, айниқса, шукуҳлидир.

Депутатлар ҳамда нуронийлар ёшлар билан учрашувларда ана шу тушунчаларни улар онгига чуқур сингдириш, бугунги имкониятлардан тўлақонли фойдаланишга руҳлантириш, буюк мақсадларга эришишда спорт ва саломатликнинг аҳамиятини очиб беришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Биз, нуронийлар спорт мусобақаларига ёшларимизнинг катта шаҳду шижоат билан қатнашаётганидан, бу ҳаракатлар чин маънодаги баркамол авлод истиқболи учун, бутун бир халқ ва миллат камолоти учун хизмат қилаётганидан мамнунмиз.

Шунга ишонаманки, Наманган «Баркамол авлод — 2014» мусобақаларидан кейин дунёга машҳур спортчилар ватанига айланади.

# Депутат — ҳузурингизга боради у билан, албатта, учрашинг

*фикр алмашинг, саволларингизга жавоб олинг*



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Фракция аъзолари сайлов округларида, аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти юзасидан сайловчиларга кенг ахборот бериши режалаштирилди. Бу борада депутатларга зарур эслатма ва таҳлилий маълумотлар берилди.

Қабул қилинган қонунлар қандай ишлаяпти? Жамиятимизда қандай қонунларга, қайси қонуннинг қандай меъёрларини мустаҳкамлашга эҳтиёж юзага келмоқда? Сайловчилар, хусусан, электорат вакиллари қандай муаммоларга дуч келяпти? Улар ҳал бўлиши учун нима қилмоқ керак? Фракция аъзолари учрашувлар мобайнида ушбу масалаларга эътибор қаратади.

**Улуғбек ВАФОЕВ,**
***ЎзХДП фракцияси раҳбари:***

— Давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришда сиёсий партияларнинг ўрни тобора мустаҳкамланиб боряпти. Бу биринчи навбатда сиёсий партиялар фракцияла-

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

> *Депутатлар аҳолининг табиий газ, электр энергияси ва тоза ичимлик суви билан таъминланганлик аҳволи, пенсия, нафақа ҳамда стипендияларнинг ўз вақтида берилиши билан боғлиқ масалаларни ўрганди.*

рининг зиммасига катта масъулият юклайди.

Бугун сиёсий партиялар фракциялари ўз электорати манфаатлари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларни янада чуқур ўрганишга, таклифлар ишлаб чиқиб, қонунчиликда акс эттиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Фракция аъзоларининг сайлов округларидаги фаолияти самарали йўлга қўйилмасдан, бу борада аниқ натижаларга эришиш қийин.

Фракция мажлисида айрим депутатлар сайловчилар билан доимий алоқани талаб даражасида йўлга қўймагани қайд этилди. Сайловчилар мурожаатлари асосида парламент сўрови юбориш масаласини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш ҳуқуқидан етарли даражада фойдаланилмаяпти, бу ўз навбатида сайловчилар билан учрашувларнинг самарасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Депутатлар навбатдаги учрашувларда бу каби камчиликларга йўл қўймаслик зарур, деб таъкидлашди.

**Сайдивали АҲМЕДОВ,**
***ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

— Сайлов округларида фракциямиз аъзолари сайловчилар ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишни режалаштирган. Жорий йилда юртимиз иқтисодиёти, халқимиз фаровонлигини кўтариш бўйича қилинаётган ишлар, эришилаётган натижаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, Президентимизнинг жорий йил 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервьюсида билдирган фикрлари мазмун-моҳияти, дунёда тинчликни асраб-авайлаш, давлатлар мустақиллиги ва суверенитетини сақлаш бўйича Ўзбекистоннинг расмий позицияси ҳамда унинг аҳамияти очиб берилади.

Куни кеча Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусида ўтказилган халқаро конференция тафсилотлари, халқимиз тарихий тафаккури, улуғ аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини дунё жамоатчилигига етказишда мазкур тадбирнинг таъсири ҳақида фикр алмашиш ҳам режамизда бор.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида ижтимоий ҳимояни кучайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг қай даражада ижро этилаётгани, бу борада аҳолининг хабардорлигини ошириш, Давлат дастури ижроси устидан доимий жамоатчилик ва парламент назоратини олиб бориш муҳим вазифамиз ҳисобланади.

> ***Ижтимоий ҳимояни кучайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг қай даражада ижро этилаётгани, бу борада аҳолининг хабардорлигини ошириш, Давлат дастури ижроси устидан доимий жамоатчилик ва парламент назоратини олиб бориш муҳим вазифамиз ҳисобланади.***

Парламент қабул қилган 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижросини, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашишдан олдинги амалиёт ўташ ҳолатини жойларга чиқиб ўрганамиз.

**Зокиржон ХОЛМАТОВ,**
***ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири:***

— Депутатлар сайлов округларида партиямизнинг маҳаллий ташкилотлари иштирокида электорат вакилларини ўйлантираётган муаммоларни таҳлил этиб, уларни ҳал этишга амалий ёрдам кўрсатиши ҳам кўзда тутилган.

Фракциямиз аъзолари ва партиямиз фаоллари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳволини танқидий ўрганиб, ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотлар иштирокида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларида муҳокама қилади. Юзага келаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар беради.

Шунингдек, депутатлар аҳолининг табиий газ, электр энергияси ва тоза ичимлик суви билан таъминланганлик аҳволи, пенсия, нафақа ҳамда стипендияларнинг ўз вақтида берилиши билан боғлиқ масалаларни ўрганди.

ЎзХДП фракцияси аъзолари сайлов округларидаги учрашувларни жойларда режага асосан ўтказади. Сиз сайлаган депутат, албатта, ҳузурингизга боради. Марҳамат, у билан учрашинг, фикр алмашинг, саволларингизга жавоб олинг, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларингизни айтинг.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

## ЎзХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ!

# Аъзолар фаол бўлса

*бош бўғин иши янада кучаяди*

Тажрибадан маълумки, партиянинг дастурий мақсадларини изчил амалга оширишда бошланғич ташкилотлар фаолияти муҳим ўрин тутади. Чунки улар партиянинг халқ орасидаги асосий бўғини ҳисобланади. Шу боис электорат билан бевосита алоқа ўрнатиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва ечими юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича юқори партия ташкилотлари фаолияти самарали бўлиши ҳам улар ташаббускорлигига боғлиқ.

Шайхонтоҳур туманидаги 44-оилавий поликлиникада ташкил этилган ЎзХДП бошланғич ташкилоти ишини бу борада намуна қилиб кўрсатса арзийди.

— Айни кунда поликлиникамиз ходимларининг 112 нафарини ЎзХДП аъзолари ташкил этади, — дейди **бошланғич партия ташкилоти етакчиси Наргиза Насриддинова.** — Бу катта имконият дегани. Партия дастурий мақсадлари ижросини таъминлаш, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш ҳамда хайрихоҳларимиз орасида тарғибот ишларини кучайтиришда ҳар бир аъзо муносиб иштирок этишга интилмоқда. Яқинда сафимизга қўшилган 9 нафар ходимимиз ҳам улар билан елкама-елка туриб, янги-янги ташаббусларни илгари сураяпти. Аъзоларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш мақсадида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида турли ўқувлар ўтказяпмиз. Шунингдек, ЎзХДП туман кенгаши билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Яқинда «Электорат манфаатларини ҳимоя қилишда ЎзХДП ташкилотлари ва гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш масалалари», «ЎзХДП дастурида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва мавқеини ошириш масалалари» мавзусида сиёсий ўқувлар ўтказилди.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Партиямиз Сайловолди дастурида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган, — дейди **поликлиника бош шифокори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси Муқаддас Раҳматуллаева.** — Шу боис поликлиникамиздаги бошланғич партия ташкилоти бу масалага алоҳида эътибор қаратиб келяпти. Хусусан, бошланғич ташкилотимиз фаоллари ташаббуси билан тиббий-ижтимоий ҳолатни ўрганиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш, электоратнинг тиббий маданиятини ошириш мақсадида аҳоли билан бевосита мулоқот олиб борилмоқда. Аъзоларимиз партиянинг ғоялари жамиятда ўз аксини топишидан манфаатдор эканликларини яхши билишади.

> **Партиянинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари тўла-тўкис адо этилиши кўп жиҳатдан аъзоларнинг ҳар бири ўз бурчини чуқур англаши, ижтимоий-сиёсий фаоллигига боғлиқ. Ана шундагина партиянинг таъсир кучи юқори бўлади.**

Бунда бошланғич партия ташкилотларида ишнинг тўғри ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

**Наргиза ҲУСАНОВА**

---

## ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН

# Мурожаатлар билан ишлаш

*аҳолини ўйлантираётган масалалар ижобий ҳал этилишига хизмат қилмоқда*

— Сиёсий партия жамиятнинг муайян қисми сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи кўнгилли бирлашмадир, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Алишер ТИЛЛАБОЕВ.** — Демак аҳолининг маълум бир қатлами манфаатини ифода этиш учун, аввало, шу қатламнинг хоҳиш-истаги ва муаммоларини яхши билиш керак. Бунинг учун партия ўз электорати билан доимий ва тизимли алоқада бўлиши зарур.

Партиямизнинг Жамоатчилик қабулхоналари бизга ана шундай имконият беради. Шу вақтга қадар электорат вакилларини қабул қилиш, муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш тизимини яратиб олдик, бу борада катта тажриба тўпладик.

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш масаласига алоҳида тўхталган эди. Албатта, биз мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга ўз электоратимиз манфаатидан келиб чиқиб муносабат билдирамиз, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонунлар лойиҳалари муҳокама этилаётганда шу асосда таклифлар айтамиз. Мазкур масалада партиямизнинг Жамоатчилик қабулхоналари тизимидан самарали фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

Жамоатчилик қабулхоналарида ўтказилган мониторинг, ижтимоий масалалар таҳлилига асосланиб, электоратимиз манфаати билан боғлиқ муаммони Парламент даражасига олиб чиқиб ҳал қилишга эришсак, фақат бир фуқаронинг эмас, балки минглаб одамларнинг оғирини енгил қилган бўламиз.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.




**Боймурод ЮСУПОВ,**
***ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири:***

— Ҳақиқатан ҳам мурожаатлар асосида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этишга кўмаклашиш Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Эндиликда унинг ишини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. Бунинг учун биринчи галда бошланғич партия ташкилотларида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокида кўчма Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятига янгича ёндашиш зарур бўлади. Бундан ташқари, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, партиямиз сайтидаги Электрон Жамоатчилик қабулхонаси имкониятларини кенгайтириш ва уни янада такомиллаштириш ҳам электоратни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишда яхши самара беради, деб ўйлайман.

**Комила КАРОМОВА,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

— Яқинда кучга кирган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун партиямизнинг электорати муаммоларини ўрганиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш борасидаги имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирди.

Тажриба кўрсатяптики, қабулхоналарга айрим фуқаролар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари улар манфаати йўлида қандай ишларни амалга ошираётгани ҳақида ахборот ололмагани учун мурожаат этишади. Ушбу қонун эса бу борадаги муаммоларни ҳал қилди. Демак, биринчидан, биз қонунни тарғиб этиш орқали электоратимизга катта ёрдам берган бўламиз. Иккинчидан, мазкур қонун юридик шахс сифатида партия ташкилотларининг электорат манфаатига тегишли бўлган ахборотларни олишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди. Шу боис ушбу Қонун Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

**Нигора ЭШМЕТОВА,**
***ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:***

— Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти кутилган натижани бериши учун, албатта, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатларимиз имкониятларидан унумли фойдаланишимиз керак. Мана, мисол учун, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига туманимиз ҳудудидан партиямиз вакиллари бўлган уч нафар депутат сайланган. Биз уларнинг иш жойида ҳам қабуллар ташкил этганмиз. Ҳар бир депутат турли йўналишлар бўйича ойида камида 7-8 та мурожаат қабул қилади. Натижада партиямизга бўлаётган мурожаатлар кўпайди ҳамда уларни ечиш бўйича ҳам яхши натижаларни қўлга киритяпмиз.

Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, пенсия жамғармаси туман бўлими ва бошқа идоралар билан яқин ҳамкорликни йўлга



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

қўйганмиз. Оқсоқоллар, маҳалла маслаҳатчилари, корхона раҳбарлари, таълим соҳалари вакиллари иштирокидаги учрашувлар, қабуллар аҳолининг муаммоларини ҳал этиш билан бирга, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишга ҳам хизмат қиляпти.

Тадбирда, шунингдек, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Сайдивали Аҳмедов, ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Рўзибек Тўраев, «Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нуриддин Жалолов мавзу бўйича фикр-мулоҳаза билдирди. Улар Жамоатчилик қабулхоналари ишини янада яхшилаш, партия электоратини безовта қилаётган ижтимоий масалалар ечимини топиш бўйича ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш, намунали Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини оммалаштириш таклифларини айтишди.

Тадбир якунида кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

# Мақсад — ҳар бир ёш ўз ишига эга бўлсин

## ЎзХДП: КОЛЛЕЖДАН — КОРХОНАГА

**Ҳар йили мамлакатимизда ярим миллионга яқин йигит-қиз касб-ҳунар коллежларини тамомлаб, меҳнат бозорига кириб келади. Бугунги кунда уларни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, иш ўринлари барқарорлигини таъминлаш ўта муҳим аҳамиятга эга.**

Мазкур масала бевосита Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий вазифаларига ҳамоҳанг бўлгани боис жойларда партия ташкилотлари ташаббуси билан меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, уч томонлама шартномалар ижроси устидан назорат-таҳлил ишлари олиб борилмоқда. Мақсад — қўлида касби, ҳунари бор ҳар бир йигит-қиз ўз ишига эга бўлиб, ҳаётидан мамнун ва эртасидан кўнгли тўқ яшасин.

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан ёшлар ижод саройида ташкил этилган «Коллеждан корхонага» лойиҳаси доирасида бўш иш ўринлари ярмаркасининг ўтказилиши бу борадаги амалий ишларнинг узвий давоми бўлди.

Унда 60 га яқин корхона ва ташкилот ўзларида мавжуд бўш иш ўринларини таклиф этди. Шунингдек, шаҳримиздаги 32 та олий таълим муассасасининг кўргазмаси уюштирилди. Иштирокчиларга таълим даргоҳларидаги йўналишлар, уларнинг истиқболлари ва чуқур билим олиши учун яратилган шароитлар ҳақида маълумотлар берилди.

— Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш кўп жиҳатдан мутасадди вазирликлар, маҳаллий ҳокимликлар, корхона-ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятига боғлиқ, — дейди **«Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент шаҳар бўлими етакчиси Севара Азимова.** — Коллежни тамомлаган ёшлар қаерда, қандай шароитда иш бошлаши уларнинг ҳаётга муносабати шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Жорий ўқув йилида Тошкент шаҳридаги касб-ҳунар коллежларини 26 мингдан зиёд битирувчи тамомлайди. Улар бандлигини таъминлаш, иш берувчи корхона ва ташкилотлар масъулиятини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада муҳим лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиляпти.

— Ҳақиқатан ҳам биз ёшлар жуда ҳам бахтлимиз, — дейди **Зилола Нуриддинова.** — Нафақат, ўқишимиз, балки ўзимизга муносиб иш топишимиз, жамиятда ўз ўрнимизга эга бўлиб, юрт ривожига ҳисса қўшишимиз учун ҳам барча имкониятлар, шароитлар бор. Бугунги ярмаркада менга «Ўзсаноатқурилишбанк» тавсия этаётган иш ўринлари маъқул бўлди. Чунки ўзим айнан шу соҳани тамомлаяпман. Мутахассислигим бўйича ишлаб, оиламга, жамиятга нафим тегса, дейман.

**ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши Матбуот хизмати.**

> **Жорий ўқув йилида Тошкент шаҳридаги касб-ҳунар коллежларини 26 мингдан зиёд битирувчи тамомлайди. Улар бандлигини таъминлаш, иш берувчи корхона ва ташкилотлар масъулиятини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада муҳим лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиляпти.**

O`ZBEKISTON OVOZI
2014-yil, 27-may.
Seshanba 64 (31.811)-son
www.uzbekistonovozi.uz



# ЎЗБЕКИСТОН — ЛАТВИЯ: ҳамкорликни жадаллаштириш йўлида

Ўзаро алоқаларни бор имкониятлардан фойдаланган ҳолда мустаҳкамлаш икки дўст давлат ташқи сиёсатининг устувор қирраларидан бири бўлиб қолди. **1992 йил 3 ноябрь куни** Ўзбекистон ва Латвия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан сўнг **40 дан зиёд** давлатлараро шартномалар ҳамда ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларини қамраб олган мазкур ҳужжатлар ўзаро шерикликнинг ривожланиши учун асос бўлмоқда.

Томонларнинг самарали ҳамкорликни кенгайтириш йўлидан боришга бўлган интилишини олий даражадаги мунтазам учрашувлар тасдиқлайди. Президент Андрис Берзиньшнинг мамлакатимизга бўлажак ташрифи Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил октябрь ойида Латвияга буюрган давлат ташрифининг мантиқий давоми ҳисобланади.

Шуни қайд этиш жоизки, икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида конструктив ва мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида 1997 дан 2014 йилгача бўлган даврда маслаҳатлашувлар тўғрисидаги Протокол 1995 йили имзоланган эди. Шунга асосан, ташқи ишлар вазирликлариаро маслаҳатлашувларнинг 13 раунди ўтказилди.

Парламентлараро алоқалар ҳам фаол ривожланмоқда, парламент аъзолари делегацияларининг мунтазам алмашувлари амалга оширилмоқда, икки мамлакатнинг қонун ижодкорлиги фаолияти соҳасидаги тажрибалари ўрганилмоқда ва бир-бирини тўлдирмоқда. 2010 йили Латвия Сеймида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ таъсис этилди. Ўз навбатида, 2012 йили Ўзбекистон парламентида ҳам Латвия Сейми билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ тузилди.

2002 йили имзоланган Терроризм, диний экстремизм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа кўринишлари билан курашда ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро Битимга мувофиқ, бу соҳадаги ҳамкорлик бўйича **Ўзбекистон — Латвия Қўшма комиссияси** таъсис этилган. Унинг иккинчи мажлиси **26-30 май кунлари Тошкентда** бўлиб ўтади.

Латвия Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шериклари учлигига киради. 2013 йил якунларига кўра, товар алмашув ҳажми **248,8 миллион АҚШ долларини** ташкил этди.

Ўзбекистон Латвияга юқори сифатли пахта толаси, қайта ишланган нефть маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар, дори-дармон препаратлари, минерал ўғитлар, рангли металл ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилади. Латвия, ўз навбатида, мамлакатимизга тўқимачилик, электротехника, машинасозлик тармоқлари учун асбоб-ускуналар, озиқ-овқат, фармацевтика маҳсулотлари, оптика ускуналари етказиб беради ҳамда транспорт хизматларини кўрсатади.

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Икки мамлакатнинг сармоявий ҳамкорлиги изчил равишда мустаҳкамланмоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокидаги 22 корхона фаолият юритмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Латвиянинг 19 компанияси ваколатхонаси аккредитациядан ўтган.



*Ўзбек халқи, унинг бой илмий, маданий ва маънавий меросига ҳурмат рамзи сифатида Ригада буюк бобокалонларимиз Мирзо Улуғбек ва Абу Али ибн Сино ҳайкаллари қад ростлаган.*

Транспорт соҳаси Ўзбекистон — Латвия ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатларимиз олдида асосий минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқиш мақсадида амалдаги транспорт йўлаклари рақобатбардошлигини ошириш, бунинг учун мавжуд транзит салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш вазифаси турибди. Шу ўринда қайд этиш зарурки, ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг ташқи савдо юклари Латвия портлари орқали Европа Иттифоқи мамлакатларига етказиб берилмоқда, халқаро темир йўл юклари ташишнинг ҳажми эса 2013 йили 146 минг тоннадан ошди.

2014 йилнинг 16-17 апрель кунлари Ригада ўтказилган **Иқтисодий, саноат ва илмий техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия** йиғилиши ҳамда ишбилармон доираларнинг **қўшма бизнес форуми** Ўзбекистон ва Латвия шериклик алоқалари мустаҳкамланишида муҳим воқеа бўлди. Мазкур анжуманлар якуни иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаол ҳамкорлик учун салмоқли салоҳият ва имкониятлар мавжуд эканлигини яна бир бор намоён қилди.

Маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбек халқи, унинг бой илмий, маданий ва маънавий меросига ҳурмат рамзи сифатида Ригада буюк бобокалонларимиз Мирзо Улуғбек ва Абу Али ибн Сино ҳайкаллари қад ростлаган. Мунтазам равишда бадиий кўргазмалар ва суратлар кўргазмалари ўтказилмоқда, концертлар ташкил этилмоқда, икки мамлакатнинг фольклор жамоалари Ўзбекистон ва Латвияда ўтказиладиган турли маданий тадбирларда қатнашмоқдалар. Жумладан, 2013 йили «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалида Латвиянинг «Диана Пирагс ва Чоколад» ҳамда «Талси» мусиқа гуруҳлари муваффақиятли равишда иштирок этишди. Латвия миллий операси ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри ўртасида йўлга қўйилган ўзаро ижодий алоқаларнинг кўламлари тобора кенгайиб бормоқда.

Таълим соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Латвия таълим ва илм-фан вазирлиги ўртасида имзоланган **Таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим** доирасида 2012 йилнинг 13 ноябрида бўлиб ўтган **Доимий икки томонлама комиссиянинг** биринчи йиғилиши ушбу жабҳадаги алоқаларнинг жадал ривожланаётгани ва улар чуқурлашиб бораётганига мисол бўла олади.

Хулоса тариқасида шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг Ўзбекистон Республикасига буюражак расмий ташрифи муҳим воқеа бўлиши баробарида мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги серқирра муносабатларнинг тараққиётида янги саҳифа очади.

**«Жаҳон» АА**




## Меъёрдаги уйқу

### иш самарадорлигини оширади



Американинг «Virgin Pulse» компанияси экспертлари 1140 нафар америкалик орасида ижтимоий сўров ўтказиб, шуни аниқладиларки, 76 фоиз иштирокчи иш кунлари давомида ҳорғин юришини билдирган, 30 фоизи уйқу меъёри ёки сифати бузилганлигидан шикоят қилган, 15 фоизи иш пайтида иш столида мизғиб олишини ва шу орқали тетиклигини қайта тиклашини баён этган.

85 фоиз иштирокчи уй ҳароратининг меъёрда эмаслиги боис ухлай олмаслигини билдирган бўлса, 69 фоизи ташқи шовқинлар сабабли шундай ҳолатга тушаркан.

Экспертларнинг таъкидлашича, ётоқнинг ўта кучли ёритилганлиги ҳам уйқу бузилишига сабаб бўлиши илмий исботланган.

Компания эксперти, доктор Женнифер Таргисснинг айтишича, агар одам яхши ухламай ишга келса, бу иш пайтида тўғри қарор қабул қилолмасликка, «стресс» ҳолатининг кучайишига олиб келади. Шу боис ҳам иш берувчилар ўз ходимларининг иш самарасини оширишни хоҳласа, уларнинг ўз вақтида дам олиши ҳақида ҳам бош қотиришига тўғри келади. Негаки, уйқунинг бузилиши иш пайтида техноген ҳодисалар, турли хатоликлар юз беришига сабаб бўлади.

Фанда шу нарса аниқланганки, дейилади «The Daily Mail» нашри хабарида, 6 соатдан кам ухлаш ортиқча вазн тўплашни 30 фоизга оширади. Бу эса хафақон, диабет, турғунлик, саратон ва бошқа турли хасталиклар ривожланишига туртки беради.

## Сувга шўнғишда

### унга етадигани йўқ

«Кювьера» деб номланувчи тумшуқли китлар сув остига шўнғишда сув ости кемаларини ҳам ортда қолдириб кетаркан.

Маълумки, бу китлар одатдан ташқари бош суягига эгалигини илк бор тадқиқ қилган француз олими шарафига шундай ном олган. Уларнинг узунлиги 7 метр бўлиб, оғирлиги 2,5 тонна. Улар асосан сув остида яшайди, балиқлар билан озиқланади, камдан-кам ҳолларда сув юзасига чиқиши мумкин. 40 йил умр кўради.

«Мир новостей» ҳафталиги хабар беришича, калифорниялик олимлар ушбу китлар белига махсус датчиклар ўрнатиб, уларнинг сузиш тезлиги ва сув остига шўнғиш чуқурлигини аниқладилар ва бунга ўзлари ҳам ишонмай қайта кузатишда давом этдилар. Фан учун янгилик бўлган мазкур маълумот қайта-қайта кузатувдан сўнг ўз тасдиғини топди. Бу турдаги китлар 2992 метр чуқурликкача шўнғиб, 2 соатдан ортиқ вақтгача океан тубида тура оларкан.

Бу шўнғиш бўйича дунё рекорди ҳисобланиб, бирорта сув жонзоти бундай чуқурликка тушолмайди. Ҳатто замонавий атом сув ости кемалари ҳам ярим километр чуқурликкача туша олади холос.

Деярли уч километр чуқурликда мазкур китлар мўъжизавий сув оғирлигини кўтаради: бу Нью-Йорк шаҳридаги «Эмпайр-стейт-билдинг» сингари 7 та осмонўпар бино оғирлигига тенгдир.

«Кювьера» китининг кўкрак қафаси ўзига хос шаклланганки, кит сув остига шўнғиган пайтда ўпкада маълум миқдорда ҳаво қолади ва бу ўта оғир юкни-да кўтаришга имкон беради.

**ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ**

# Солиқ имтиёзлари

## аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда

**Юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти аҳоли турмушини фаровонлаштиришга йўналтирилган. Биргина қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олайлик. Улар бугун қишлоқларимиз қиёфасини тамоман ўзгартирди. Қишлоқ аҳли турмуш шароитини тубдан яхшилади. Бу борадаги ишлар бир муддат тўхтагани йўқ. Айниқса, берилаётган имтиёзлар ва имкониятларни алоҳида эътироф этиш жоиз.**



Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил дастури тўғрисида»ги қарори намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш, қишлоқларда транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини, ижтимоий объектларни жадал ривожлантириш ва шу тариқа қишлоқ аҳолиси турмуш даражасининг янада юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ 2014 йил 1 январигача «Ўзсаноатмашимпэкс» ДАТК тизимида олиб келинган қурилиш ашёлари — томга ёпиладиган металл тунукалар божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари), шунингдек, импортга олиб келинган ёғоч-тахта, томёпқич металл тунука ва ёғоч пайраха қириндиларидан тайёрланган плиталар «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига сотилганида қўшимча қиймат солиғидан ҳамда якка тартибдаги уй-жойларни «калити билан топшириш» шарти асосида тузилган шартномалар бўйича пудратчи ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ҳажми ягона солиқ тўловидан озод этилди. Шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам ягона ижтимоий солиқдан ташқари бошқа барча турдаги солиқларни ҳамда давлатнинг мақсадли жамғармаларига, таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига тўланадиган мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинди.

*Кучли ижтимоий сиёсат натижасида қишлоқларимиз тобора обод бўлмоқда, аҳоли турмуш шароити юксалмоқда.*

Қарор асосида солиқ имтиёзларидан фойдаланаётган корхоналар Наманган вилоятида ҳам талайгина. Хусусан, «Сарҳад лойиҳа дизайн», «Роҳила» хусусий корхоналари, «Одилбек қурилиш инвест», «Сувчи қурилиш монтаж», «Чортоқ архитек қурилиш» МЧЖлар шулар жумласидандир. Улар яратилган имтиёзлар натижасида катта молиявий кўмак олишмоқда. Биргина «Одилбек қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти солиқ имтиёзи туфайли қарийб етти миллион сўм, «Роҳила» хусусий корхонаси эса салкам олти ярим миллион сўм фойдага эга бўлди.

Юқоридаги каби имтиёзлар қишлоқларни янада обод қилиш, қишлоқ аҳолиси турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Солиқ кодексининг 179-моддасига асосан ёш оилалар томонидан якка тартибда уй-жой қуриш, кўп қаватли уйлардан хонадон сотиб олиш ва реконструкция қилиш учун олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган даромадлар бўйича ҳам жисмоний шахсларга солиқ солинмайди.

— Бу имтиёзлар, — дейди Наманган вилоят Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Адҳамжон Маҳмудов, — қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуришни банк кредитлари ҳисобидан амалга ошираётган қурувчи шахслар томонидан олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда ҳам тўла амал қилади. Фақат жисмоний шахслар томонидан мол-мулк олинган санадан эътиборан беш йил ичида сотиб юборилса, белгиланган тартибда солиқ солинади.

Қисқа қилиб айтганда, мазкур имтиёзлар туфайли қурилиш жамоалари фойдаси кўпайиб, имконияти кенгаймоқда. Бунинг натижасида қишлоқларимиз тобора обод бўлмоқда, аҳоли турмуш шароити юксалмоқда. Бу эса мамлакатимиздаги кучли ижтимоий сиёсатнинг амалдаги ифодасидир.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!*

# Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

### қуйидаги объектларни қуриш бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

**Лот 2-1.** Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани «Тузбозор» қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.

***Объектнинг бошланғич нархи:*** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 209,599 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 174,666 млн. сўм, қурилиш муддати — 60 кун.

**Лот 2-2.** Сурхондарё вилояти, Денов тумани «Пистамозор» ҚФЙ «Хитоян» маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш.

***Объектнинг бошланғич нархи:*** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 208,704 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 173,920 млн. сўм, қурилиш муддати — 90 кун.

**Лот 2-3.** Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани «Сурхон» ҚФЙ «Авлод» қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.

***Объектнинг бошланғич нархи:*** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 416,248 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 346,873 млн. сўм, қурилиш муддати — 90 кун.

**Лот 2-4.** Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани «Ўзбекистон» ҚФЙ «Чуқирли», «Исломобод», «Ғалаба» ва «Шерози» маҳаллаларини ичимлик суви билан таъминлаш.

***Объектнинг бошланғич нархи:*** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 1199,882 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 999,902 млн. сўм, қурилиш муддати — 90 кун.

**Лот 2-5.** Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани «Оқарбулоқ» ҚФЙ А.Бўтаев номли маҳаллани ичимлик суви билан таъминлаш.

***Объектнинг бошланғич нархи:*** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 200,736 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 167,280 млн. сўм, қурилиш муддати — 90 кун.

**Лот 3-1.** Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани «Олтинсой» ҚФЙ «Наврўз» маҳалласи «Қаймоқли» қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.

***Объектнинг бошланғич нархи:*** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 277,187 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 230,989 млн. сўм, қурилиш муддати — 120 кун.

**Лот 3-2.** Сурхондарё вилояти, Термиз тумани «Учқизил» ҚФЙ «Паррандачилик» маҳалласи «Сельхозтехника» қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.

***Объектнинг бошланғич нархи:*** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 405,459 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 337,883 млн.сўм, қурилиш муддати — 90 кун.

**Лот 3-3.** Сурхондарё вилояти, Узун тумани «Бобotoғ» ҚФЙ «Оқмачит» қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.

***Объектнинг бошланғич нархи:*** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 1043,434 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 869,528 млн. сўм, қурилиш муддати — 300 кун.

**Лот 3-4.** Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани «Оққўрғон» ҚФЙ «Оқтепа» қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш (2-босқич).

**РЕКЛАМА**

***Объектнинг бошланғич нархи:*** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 253,060 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 210,883 млн. сўм, қурилиш муддати — 60 кун.

**Лот 3-5.** Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани «Зарбдор» маҳалласи «Пахтакор» қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.

***Объектнинг бошланғич нархи:*** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 210,162 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 175,135 млн. сўм, қурилиш муддати — 90 кун.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили:** ***Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.***
**Тел/факс:** ***(8-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85.***

**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сон қарорларига асосан қурилиш қиймати 500 млн. сўмгача бўлган объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, қурилиш қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган объектларнинг танлов савдоларида оферталар баҳоланиб кўрсаткичлар тенг бўлганда устунлик кичик бизнес субъектларига берилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектқурилиш» қўмитасининг Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/факс: (8-376) 221-44-73, 221-44-76.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи объект қийматига қараб — 70 000 сўмдан 100 000 сўмгача.***

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

Китоб қўлингдаги гул, дилингдаги нур. Гулни ҳам, нурни ҳам инсон ҳамиша авайлаб келган

# Китоб ва китобхон учрашуви

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

**Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Китоб байрами» ўтказилди. Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Ўздавкитобсавдотаъминоти» масъулияти чекланган жамияти ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган бу байрамда барча китоб ихлосмандлари жам бўлди. Унда юртимизда фаолият юритаётган 100 дан ортиқ нашриёт ва матбаа корхоналари ўз китоб маҳсулотлари билан иштирок этди.**


Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

**«Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор»** шиори остида ўтказилаётган анъанавий «Китоб байрами» маънавий-маърифий тадбиридан кўзланган асосий мақсад фарзандларимизда китобхонлик маданиятини шакллантириш, китоб ўқиш анъаналарини тарғиб қилиш, адабиётга муҳаббат уйғотишдан иборат.

Байрамга ташриф буюрар экансиз, муҳташам боғ узра намойиш этилаётган санъат асарларига кўзингиз тушади. Бир томонда мусиқа наволари, яна бирида суратлар кўргазмаси, бошқа тарафда эса турли ўйинлар...

Китобхонларга унутилмас лаҳзаларни тақдим этган яна бир жиҳат бу байрам доирасида интеллектуал викториналар ўтказилиши бўлди. **«Китобдан яхши дўст бўлмас», «Мўъжиза эмасдир фалакда офтоб, мўъжиза аслида беминнат китоб», «Одамийлик китобга бўлган эҳтиромдан бошланади», «Китобга меҳр қўйсангиз, у сизни, албатта, муносиб тақдирлайди», «Китоб — энг яхши совға»** мавзуларидаги викториналар ва Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари билан ижодий учрашувлар байрамнинг юксак савияда ўтишига ҳисса қўшди.

«Китоб байрами» тадбирлари нафақат пойтахтда, балки бир вақтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳам ўтказилмоқда.

Байрамда ҳар бир нашриёт вакиллари китобхонларни ўзлари нашр этган китоблар билан таништириб ўтди. Эътиборлиси, улар ўқувчиларнинг истакларидан келиб чиқиб келгусида нашр этиладиган китоблар рўйхатини шакллантиради.

— Китобларни ўқувчилар эътиборига ҳавола этдик ва уларнинг талабларидан келиб чиқиб, ўз режаларимизни ишлаб чиқдик, — дейди **Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири Илҳом Зоир.** — Барча вилоятларимиз марказларида ҳам мана шундай учрашувлар ташкил қилинган.

Ғафур Ғулом нашриёти бу йил 200 дан ортиқ ижтимоий-сиёсий, бадиий-публицистик асарларни нашрдан чиқаришни режалаштирган. **«Соғлом бола йили»** муносабати билан ҳар бир нашриётнинг ушбу йилга аталган китоблари, совғалари бор. Бизнинг нашриётимиз болаларга бағишланган 20 дан ортиқ китоб чиқаришни режалаштирмоқда. Шундан 8 таси ўқувчилар қўлига етиб борди. Айниқса, ёшларнинг севимли китобига айланиб бораётган **Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», «Бўстон»** асарлари уларда катта таассурот қолдирди.

Бир ҳолатни алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу тадбир чин маънода ёзувчи ва ўқувчини юзма-юз учраштирди. Табиийки, яхши китоб ўқувчиларни турли мулоҳазаларга, савол-жавоб ва хулосаларга чорлайди. Байрам доирасида китобхон билан адибларнинг бевосита мулоқотларига кенг ўрин берилгани катта ҳодиса бўлди. Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон, Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, Турсунбой Адашбоев каби бир қатор таниқли шоир ва ёзувчилар билан бўлган савол-жавоблар йиғилганларни хурсанд қилди.

Байрамда китоб графикаси ва миниатюра жанрида ижод қилаётган ёш рассомларнинг ижодий кўргазмалари ва **«Намунавий китоб дўкони»** республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди.

«Китоб байрами»дан кўзланган яна бир мақсад бу — ўзбек ноширчилиги ва матбаачилиги ютуқларини таҳлил этиш, соҳада эришилаётган ютуқ ва камчиликларни ўрганишдан иборат.

**Маҳмуд ТОИР,**
***Ўзбекистон халқ шоири, ЎзХДП фаоли:***

— Бу йилги китоб байрами аввалгиларидан ўзгача руҳда ўтди. Ўзгачалиги шундаки, мутасаддиларнинг ҳақиқий меҳнати, масъулияти, муҳаббати кўринди. Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи худди китоблар гулдастасига ўхшайди. Аслида ҳам китоб қўлингдаги гул, дилингдаги нур. Гулни ҳам, нурни ҳам инсон ҳамиша авайлаб келган.

Тўғри, китобнинг интернет нусхалари кенг тарқалди, аммо барибир бу тармоқ тезкорлик учун хизмат қилади. Китоб эса бошқача. Уни қўлига олган киши орзу, армон, севинчлар қуршовида қолади. Гўё қўлига китоб эмас, кўзгу тутгандек. Бу кўзгу — қалб кўзгуси. Инсон унда ўзини борлигича кўради.

Менинг назаримда, бу йилги китоб байрамидан ҳеч ким қуруқ қўл билан чиқиб кетмади. Кимдир қўлида китоб билан, кимдир эса кўнглида китобга муҳаббат билан қайтди.

— Мен бунчалик кўп китобни ҳеч қачон кўрмаган эдим, — дейди **Термиз давлат университети талабаси Гулфиза Муродулло қизи.** — Ўтган йиллар мобайнида жуда кўп китоб расталарига бордим, ҳар хил китоблар харид қилдим. Уларнинг кўпчилигини турли нашриётлар томонидан нашр этилган бадиий асарлар, соҳага оид дарсликлар ташкил этади. Бугун кўз ўнгимизда деярли барча нашриётлар ўз маҳсулотларини китобхонларга тақдим этиш учун чиқишган.

Ниҳоят, узоқ вақт кутилган, технология тараққиёти ва кашфиётлар сабаб оралари узоқлашаётган китоб ва китобхон учрашди. Буни ҳақиқий байрам деса бўлади.

**Бобур ЭЛМУРОДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

СПОРТ

## Гимнастикачиларимиз — халқаро турнир ғолиби

**Тошкентда бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ва «Happy Caravan» халқаро турнири якунланди.**

Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Ўзбекистон гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган нуфузли мусобақаларда Ўзбекистон, Хитой, Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Чехия, Латвия, ЖАР, Малайзия, Мексика, Россия, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Вьетнам, Исроил, Ҳиндистон, Италия, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлардан 100 нафардан зиёд гимнастикачи ғолиблик учун баҳслашди.



Уч кун давом этган мусобақалар сўнггида яккаликлар ва гуруҳлар ўртасида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича баҳслар ўтказилди. Финал мусобақасида гимнастикачиларимиз муносиб иштирок этди. Булава ва халқа ёрдамида машқ бажарган Комила Рустамова, Фарангиз Аҳмедова, Сабрина Рамазонова, Гўзал Райманова, Ирина Салех ва Карина Тоғаевадан иборат гуруҳ олтин ва кумуш медални қўлга киритди. Мазкур баҳсларда Асал Аҳмедова, Саида Давидова, Нигина Қудратуллаева, Юлия Нуштаева ва Елена Грубовадан иборат гуруҳ иккита бронза медаль билан тақдирланди.

Халқаро турнирнинг яккаликлар ўртасидаги баҳсларида иқтидорли спортчимиз Анора Давлатова булавада, Нилуфар Шомуродова тўп билан машқ бажаришда бронза медални қўлга киритди.

Бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи мусобақасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Елизавета Назаренкова булавада машқ бажаришда бронза медаль билан тақдирланди.

**Б.АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

# Болажонларга туҳфа

**«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида Самарқанд вилояти туман ва шаҳарларида намунавий мактабгача таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилмоқда.**

Оқдарё туманидаги «Лола» 6-мактабгача таълим муассасаси ана шундай замонавий маскан сифатида фойдаланишга топширилди. Юз ўринли боғчанинг янги биносида тарбияланувчилар учун барча шароит яратилган. Ошхона, ётоқхона, тадбирлар ўтказиш зали ва машғулот майдончалари замонавий тарзда жиҳозланган.

— Муассасамиз замонавий бинода фаолият кўрсата бошлади, — дейди муассаса мудираси Робия Юсупова. — Бундан ота-оналар ҳам, тарбиячилар ҳам хурсанд. Айниқса, тарбияланувчиларимизнинг қувончи чексиз. Эндиги вазифамиз таълим-тарбия жараёнини юқори даражага кўтаришдир. Шундан келиб чиқиб, инглиз тили, бадиий гимнастика, каратэ, рақс тўгараклари ташкил этдик.

Жорий йилда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида шу каби намунавий боғчалар ташкил этилиши режалаштирилган.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

# Кўмир саноати ривожи

*янги иш ўринлари яратилишига замин яратади*

**«Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамияти томонидан кўмир саноатини ривожлантириш истиқболлари мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.**

Кўмир саноати мамлакатимиз ёқилғи-энергетика мажмуасида муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда соҳани модернизация қилиш, ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Айни пайтда республикамизда 1832,8 миллион тонна аниқланган кўмир захираси мавжуд, — дейди «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамияти директори ўринбосари Зохид Ишмуҳамедов. — Шундан қўнғир кўмири 1786,5 миллион тоннани, тошкўмир 46,3 миллион тоннани ташкил этади. Айни пайтда республикамизнинг 3 ҳудуди — Ангрен, Шарғун ва Бойсун конларидан йилига қарийб 4 миллион тонна кўмир қазиб олинмоқда.

Кўмир саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича 2018 йилгача мўлжалланган дастур тасдиқланган. Ушбу дастурда кўзда тутилган лойиҳаларни амалга оширишга 500 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ йўналтирилади. Бундан ташқари, модернизациялаш дастурининг босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида 2016 йилга келиб кўмир қазиб олиш икки бароварга ортиши режалаштирилмоқда.

Матбуот анжуманида шу каби масалалар хусусида кенг маълумот берилди ва журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»**
ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
барча тадбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига таклиф этади.
*Иш тартиби:* душанба-жума кунлари соат 9:00дан 18:00гача.
*Манзил:* Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6.
*Телефон:* 244-39-47, 244-50-54.
www.vinsanoat.uz

Тошкент вилояти, Оққўрғон туман ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган «TOSHKENT LIDER PLUS» МЧЖ (СТИР коди 301175991) Устав фонди миқдори 787 524 500 сўмдан 401 200 000 сўмгача камайтирилишини маълум қилади.
Маълумот учун телефон: (93) 511 –85-41.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

EMMM

**Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳмонлари диққатига!**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Электромагнит мослашув маркази огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузайтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

*БИЗНИНГ МАНЗИЛЛАР:*

| | |
|---|---|
| **Тошкент шаҳри,** | Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», тел. 230-61-13, 120-30-22. |
| **Андижон шаҳри,** | Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хонадон, тел. 230-64-65. |
| **Бухоро шаҳри,** | академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, тел. 230-64-66. |
| **Жиззах шаҳри,** | Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, тел. 230-64-68. |
| **Нукус шаҳри,** | Ерназар Алакоз кўчаси, ШАТС биноси, тел. 230-64-75. |
| **Қарши шаҳри,** | 2-микрорайон, 43-уй, 62-хонадон, тел. 230-64-78. |
| **Навоий шаҳри,** | Амир Темур кўчаси, 4-уй, 802-хона, тел. 230-64-69. |
| **Наманган шаҳри,** | Марғилон кўчаси, 8-а уй. 2-корпус, 54-хонадон, тел. 230-64-72. |
| **Самарқанд шаҳри,** | Сельский, Колбоғ п/б, ТРНС, тел. 230-64-80. |
| **Термиз шаҳри,** | 5-кичик даҳа, 1-уй, 16-хонадон, тел. 230-64-79. |
| **Гулистон шаҳри,** | Мустақиллик кўчаси, 54-уй, тел. 230-64-67. |
| **Фарғона шаҳри,** | Алишер Навоий кўчаси, 37-г уй, 36-хонадон, тел. 230-64-74. |
| **Урганч шаҳри,** | Нажмиддин Кубро кўчаси, 7-уй, тел. 230-64-77. |

**ОБ-ҲАВО** 27-28 — 05. 2014

*Юртимиз бўйлаб (°С)*

| | | |
|---|---|---|
| *Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти* | +17 / +22 | +34 / +39 |
| *Бухоро ва Навоий вилоятлари* | +17 / +22 | +34 / +39 |
| *Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари* | +15 / +20 | +32 / +37 |
| *Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари* | +17 / +22 | +34 / +39 |
| *Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари* | +13 / +18 | +32 / +37 |
| *Тошкент шаҳри* | +18 / +20 | +35 / +37 |

*Дунё бўйлаб (°С)*

| | |
|---|---|
| Лондон | +17 / +18 |
| Париж | +18 / +21 |
| Москва | +26 / +22 |
| Мадрид | +22 / +21 |
| Пекин | +37 / +38 |
| Канберра | +15 / +16 |
| Рим | +22 / +23 |
| Афина | +29 / +29 |
| Токио | +27 / +29 |
| Стокгольм | +16 / +20 |
| Кейптаун | +22 / +23 |
| Қоҳира | +36 / +37 |
| Гавана | +31 / +31 |
| Вашингтон | +30 / +31 |

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari), Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.
Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 560
18743 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 21.35
Topshirilgan vaqti — 01.00
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5